

## THE SPIRITUAL GROUND OF PERFECTION

**Bekboev Sardor**

**TerSU student**

### ANNOTATION

In order for spirituality to mature in a person's soul, he must work from the soul, conscientiously, with reason and diligence. A person also has is'tedod and opportunities that lead the way to the acquisition, development of spirituality.

Юксак маънавиятли одам, у ким бўлишидан қатъий назар, биринчи навбатда, Худони, унинг пайғамбарларини таниган ҳолда иймонли, инсофли, адолатли, ҳалол, ростгўй, пок ва албатта одоб ва ахлоқли бўлиши лозим деб ўйлайман. Маънавий тарбияни, энг аввало оилада сўнг мактабда ва ҳар бир иш жойида амалга ошириш даркор. Маънавий баркамоллик учун курашиш энг долзарб вазифалардан бирига айланмоғи лозим деб ўйлайман. Мен фаолият кўрсатаётган касб, касблар ичида энг шарафлиси ва ўз навбатида маъсулияти кучли касбдир. Сабабки келажакда маънавиятнинг энг катта уммонига қўшилувчи кичик ирмоқларини шакллантириб, келажакка маънавий жиҳатдан етук кадрлар бўлиб етишишида биз ўқитувчиларнинг ўрнимиз жуда каттадир. Бугунги глобаллашув шароитида ёш авлоднинг қалбида Ватанпарварлик руҳини шакллантириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Ватан, истиқлол, маънавият. Ҳа, булар инсон онгидаги энг буюк тушунчаларни ифодаловчи пурҳикмат сўзлардир. Ҳар бир одам бутун ҳаёти давомида шу учликка интилиб яшаган ва яшаб келмоқда. Агар буларнинг бирортаси йўқ бўлса, шу инсон ҳаётининг қаеридир кемтик бўлиб тураверади. Юқоридаги уч буюк сўз ҳақида ўйлаганимда, мазкур сўзларнинг мағзини таърифлаш учун сўз бойлигим ожизлик қиладигандай гўё Ватан жонажон ўлкам бўлса, Истиқлол унинг равнақи, Маънавият эса унинг ўтмиши, ҳозир ва келажакдир.

Маънавият! Биргина шу сўз замирида олам-олам маъно бор. Бугунги кунда маънавият масаласи долзарб бўлиб қолганлиги бежиз эмас. Бу ҳақда кўплаб мисоллар келтириш мумкин аммо биз муамоларга эмас балким унинг ечимига эътибор қаратмоғимиз лозимдир. Авваломбор биз олган билимларимиз, қилган меҳнатларимиз бутун фаолиятимиз талабларига мувофиқ бўлишига эришмоғимиз лозим. Инсон ақли маънавият орқалигина камол топади. Комил инсон, ақлан юксак одамгина доимо маънан юксакликка эришади. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда

етилган. Шундай экан, маънавиятимиз маъноси тобора ойдинлашиб, ҳаётимиздан ўз ўрнини эгаллаб бораверади. Барчамизга маълумки, маънавият инсон онгидан ташқарида мавжуд эмас. Уни англаш, инсонни билиш баробарида юзага келади.

Мустақиллик-маънавият булоғимизни очиб берди. Боболаримизнинг асрлар давомида йиғиб келган маънавий бойлиги бутун ҳаётимизда намоён бўлиб келмоқда. Ер юзидаги бутун мавжудот қуёшдан баҳра олгандек, биз, ёш авлод маънавият булоғидан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Бу эса бизга миллий ғуруримиз ва ўзлигимизни англаш учун маънавий озуқа бўлади. Бу бебаҳо меросни келажак авлодларга ҳеч қандай хиёнат қилмай етказиш бизнинг вазифамиздир. Муқаддас вазифага ва бурчга содиқ қолишда бизга эътиқод, иймон, ғурур ва ўзлигини англаш ёр бўлсин.

### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Қуронов М. Маънавий таҳдидларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда ғоявий-мафкуравий асослари. “Маънавий таҳдидларга ва уларга қарши курашишнинг илмий-услубий ҳамда маънавий-мафкуравий асослари” мавзуидаги республика илмий-назарий конференция материаллари. Т., ТИУНМБ, 2010, 3–4-бетлар.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008, 111-бет.